

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи, Ч.Чоршамиев,

суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Б.Улуғовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қибрай туман прокурорининг ёрдамчиси М.Хусанова, судланувчи О.Кучқоров ва унинг ҳимоячиси Н.Андреевнинг иштирокида, Кучқоров Отабек Воҳиджон ўғлига нисбатан 1-1107-2601/87-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Кучқоров Отабек Воҳиджон ўғли, 1996 йил 10 мартда Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Оқ Олтин маҳалласи, Саркор кўчаси, 14-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатомаси нусхасини 2026 йил 10 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186¹-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Кучқоров Отабек Воҳиджон ўғли, 2026 йил 4 февраль куни соат 13:10лар-да, Тошкент шаҳар Бектемир ва Миробод тумани кесишмаларидаги Қўйлик бозори ён атрофларида номаълумо шахслардан тамаки маҳсулотларини сотиб олиб Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Тошкент-Водий” йўналишида ҳаракатланаётган вақтида, унинг бошқарувидаги оқ рангли давлат рақами 10 Н 899 VA бўлган “Chevrolet Captiva” русумли автотранспорт воситаси тўхтатилиб автомашина салони кўздан кечирилганда, у ерда жами 7500 дона акциз маркаси бўлмаган турли хилдаги яъни 2500 қути “Milano London” номли, 500 қути “KENO Club Diamonds” номли, 4500 қути “KENO Club Spades” номли тамаки маҳсулотларини олиб кетаётганлиги аниқланиб мазкур тамаки маҳсулотлар ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

“Valuation” МЧЖ нархлаш компаниясининг 05.02.2026 йилдаги 08-Д-сонли хулосасига кўра, 2500 қути “Milano London”, 500 қути “KENO Club Diamonds” ва 4500 қути “KENO Club Spades” номли тамаки маҳсулотларининг ўртача бозор нархи жами 120.000.000 сўмни ташкил



қилиши кўрсатилган.

Судланувчи Қучқоров Отабек Воҳиджон ўғли судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у давлат рақами 10 Н 899 VA бўлган “Chevrolet Captiva” русумли автотранспорт воситасини кредитга олиб киракашлик билан шуғулланиб юрганлигини, 2026 йил 4 февраль куни Қўқон шаҳридан Тошкент шаҳрига келганини, Тошкент шаҳри Қўйлик бозори тарафдаги кўчадан акциз маркаси бўлмаган 2500 қути “Milano London” номли, 500 қути “KENO Club Diamonds” номли, 4500 қути “KENO Club Spades” номли тамаки маҳсулотларини сотиб олганини, сўнг уларни автомашинасига жойлаб, “Тошкент-Водий” йўналишида ҳаракатланаётган вақтида, Бектемир туманида унинг бошқарувидаги “Chevrolet Captiva” русумли автотранспорт воситаси тўхтатилганини, шу вақт унинг олдида департамент ходимлари деб таништирган шахслар келишиб, ўзларини таништирганини, сўнг уларга бўлган ҳолатни айтиб берганини, улар автомашинасидан ушбу тамаки маҳсулотларини ашёвий далил сифатида олишганини, сўнг ҳужжатлар расмийлаштиришганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи О.Қучқоровнинг айби, судда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган А.Илхамов, Ж.Туробовларнинг кўрсатуви, тезкор-қидирув тадбирини расмийлаштириш баённомаси, баҳолаш хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи О.Қучқоровнинг қонунга хилоф равишда анча миқдордаги тамаки маҳсулотини ўтказишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисми тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум Қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи О.Қучқоровга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўлиқ иқорлигини, унинг шахсини, оилавий шароитини, 2 нафар фарзанди борлигини, ёшини, муқаддам судланмаганини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисми билан модда санкцияси доирасида ахлоқ атиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.



Бундан ташқари, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Маърифат инвест Люкс” МЧЖ омборига топширилган 2500 қути “Milano London” номли, 500 қути “KENO Club Diamonds” номли, 4500 қути “KENO Club Spades” номли жами 750 қути тамаки маҳсулотларини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Қучқоров Отабек Воҳиджон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддати пробация бўлинмаси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда шахс иш бошлаган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш судланувчининг яшаш жойи бўйича Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

О.Қўқоровга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилиниб, гаровга қўйилган 8.500.000 сўм пул маблағлари гаровга қўювчи О.Қўқоровга қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб топилган “Маърифат инвест Люкс” МЧЖ омборига топширилган 2500 қути “Milano London” номли, 500 қути “KENO Club Diamonds” номли, 4500 қути “KENO Club Spades” номли жами 750 қути тамаки маҳсулотлари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

Ч.Чоршамиев



Маъсул судья: Чоршамиев Чори Пардаевич



Хужжат имзоланган: Чоршамиев Чори Пардаевич, 20.03.2026

